04.30 "Пешки футбольного трафика"



05:00 07:30 08:00 09:30 12:00
06:15 М/с
11:00 "Снимите это немедленно!"
13:30 "Как приручить медведя". Полнометражный анимационный фильм.
15:00 17:15 "6 кадров".
15:30 Х/ф "Паутина Шарлотты".
18:30 Шоу "Уральских пельменей". "Эз бэл".
20:00 Х/ф "Снова ты".
21:55 Шоу "Уральских пельменей". Лучшее.
22:55 Х/ф "Король клетка".
00:55 Х/ф "Большая маленькая я".



05:00 М/с
07:00 М/ф
07:30 Х/ф "Карантин"
09:15 Х/ф "Скуби-Ду"
11:00 Х/ф "Битлджуэ"
13:00 Х/ф "Куплю дом с привидениями"
14:30 Х/ф "Возвращение в Амитильял"
15:00 "Х-Версии. Другие новости"
16:00 Х/ф "Эволюция"
18:00 Х/ф "Добро пожаловать в Зомбиленда"
19:45 Х/ф "Я - легенда"
21:45 Х/ф "Район № 9"
00:00 Х/ф "Рыба-Монстр"



Душанба

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
04:00 "Дайлор ширин" кўрсатуви
05:00 "Ўбани девори" б/ф
06:30 "Файли тон" дастури
08:30 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
09:20 "Ману севиғ" т/с (94-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Бакт урун милоди" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
12:10 Қўпчилиги томоша
12:20 "Интервью"
12:30 "Тошона" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар"
13:05 "Тўғай сўзгилар" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Ешлар студияси: "Келажак
билан юзма юк" кўрсатуви
15:20 Хужжатли фильм
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
16:10 "Клон" т/с (94-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги алоқа" студияси
намоиши этиди
18:10 "Мадаласкарлик пингвинлар"
м/ф
18:20 "Бизнес промо"
18:30 "Ману севиғ" т/с (95-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
19:45 "Клон" т/с (95-қисм)
20:30 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:05 "Чой устида" кўрсатуви
21:30 "Денгиз жанги" б/ф
премера
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Утланич
дунё" б/ф (Ҳиндистон)
03:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Сешанба

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
04:00 "Дайлор ширин" кўрсатуви
05:00 "Темур хотин" б/ф
06:30 "Файли тон" дастури
08:30 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
09:20 "Ману севиғ" т/с (95-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Ўйултон оғам" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
12:10 Қўпчилиги томоша
12:20 "Хет урун" кўрсатуви
12:30 "Еширади қудирали"
кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар"
13:05 "Пирк менинг ҳўсти" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Ешлар студияси: "Келажак
билан юзма юк" кўрсатуви
15:20 Хужжатли фильм
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
16:10 "Клон" т/с (95-қисм)
16:50 "Бизнес промо"
17:00 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
17:15 "Менинг маъналим
Ўзбекистон" кўрсатуви
17:30 Форум вақти

18:00 "Янги алоқа" студияси
намоиши этиди
18:10 "Мадаласкарлик пингвинлар"
м/ф
18:20 "Бизнес промо"
18:30 "Ману севиғ" т/с (96-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
19:45 "Клон" т/с (96-қисм)
20:30 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:05 "25 қад" кўрсатуви
21:30 "600 кт олтин" б/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Зита ва
Гитс" б/ф (Ҳиндистон)
03:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Чоршанба

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
04:00 "Дайлор ширин" кўрсатуви
05:00 "Жаннат қайдар" б/ф
06:30 "Файли тон" дастури
08:30 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
09:20 "Ману севиғ" т/с (96-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Хижрон" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
12:10 Қўпчилиги томоша
12:20 "Золотой фонд Ўзбекистон
жамоати"
12:30 "Супер келинач" теле-шоу
13:00 "Онлайн хабарлар"
13:05 "Қиличбардор" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Ешлар студияси: "Келажак
билан юзма юк" кўрсатуви
15:20 Хужжатли фильм
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
16:05 "Клон" т/с (96-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
17:15 "Иной алғиз" кўрсатуви
17:30 Форум вақти
18:00 "Янги алоқа" студияси
намоиши этиди
18:10 "Мадаласкарлик пингвинлар"
м/ф
18:20 "Бизнес промо"
18:30 "Ману севиғ" т/с (97-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
19:45 "Клон" т/с (97-қисм)
20:30 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:05 "Тошона" кўрсатуви
21:20 "Сирди қўғи элизи" б/ф
премера
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Жовим
фиш" б/ф (Ҳиндистон)
03:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Пайшанба

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
04:00 "Дайлор ширин" кўрсатуви
05:00 "Севинганлар" б/ф
06:30 "Файли тон" дастури
08:30 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
09:20 "Ману севиғ" т/с (97-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"

10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Зенит муҳтомаи" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
12:10 Қўпчилиги томоша
12:20 "Менинг маъналим
Ўзбекистон" кўрсатуви
12:30 "Чой устида" кўрсатуви
13:00 "Онлайн хабарлар"
13:05 "Сунги қол" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Ешлар студияси: "Келажак
билан юзма юк" кўрсатуви
15:20 Хужжатли фильм
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
16:05 "Клон" т/с (97-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
17:15 "Интервью" кўрсатуви
17:30 Форум вақти
18:00 "Янги алоқа" студияси
намоиши этиди
18:10 "Мадаласкарлик пингвинлар"
м/ф
18:20 "Бизнес промо"
18:30 "Ману севиғ" т/с (98-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
19:45 "Клон" т/с (98-қисм)
20:30 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:05 "Еширади қудирали"
кўрсатуви
21:30 "Лойқалланг сув" б/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Борбон" б/ф
(Ҳиндистон)
03:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Жума

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
04:00 "Дайлор ширин" кўрсатуви
05:00 "Сув екалоб" б/ф
06:30 "Файли тон" дастури
08:30 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
09:20 "Ману севиғ" т/с (98-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
10:10 "Менинг акам бўлакоб" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
12:10 Қўпчилиги томоша
12:20 "Иной алғиз"
12:30 "25-қад"
13:00 "Онлайн хабарлар"
13:05 "Сунги қол" б/ф
15:00 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:10 Ешлар студияси: "Келажак
билан юзма юк" кўрсатуви
15:20 Хужжатли фильм
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24. Ўзбекистон" аборот
блоки
16:05 "Клон" т/с (98-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Форум хабарлари"
кўрсатуви
17:20 Форум вақти
18:00 "Янги алоқа" студияси
намоиши этиди
18:10 "Мадаласкарлик пингвинлар"
м/ф
18:20 "Бизнес промо"
18:30 "Ману севиғ" т/с (99-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:30 "Зие" студияси намойиш
этиди

19:45 "Клон" т/с (99-қисм)
20:30 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:05 "Қопқон" кўрсатуви
21:30 "Дунё бўйлаб 80 кун" б/ф
премера
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Вир ва
Зара" б/ф (Ҳиндистон)
03:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Шанба

03:00 "Мумтоз наволар" дастури
03:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
04:00 "Тан" кўрсатуви
05:00 "Тангалик болалар" б/ф
06:30 "Файли тон" дастури
08:40 "Хулаа" аборот-таҳлилий
дастури
09:00 "Муслик вақти" дастури
09:30 "Сомеди. UZ" теле-шоу
10:00 "Шоадоқ кўн" б/ф
11:30 "Тошона" кўрсатуви
12:00 "Дайлор ширин" муслиқ-
дун олин дастури
13:30 "Қўрқас" б/ф
15:40 "Муслик вақти" дастури
16:00 "Қопқон" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу
викториниси
18:00 "Денгиз жанги" б/ф
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Зие" студияси намойиш
этиди
19:45 "Дилшад лаҳзалар" теле-шоу
21:00 "Оҳод шоу" кўнгулоқар
кўрсатуви
22:15 "Қўрқас" б/ф (Ҳиндистон)
01:15 "Муслик вақти" дастури
01:30 Тунги кинозал: "Оқибат
жангир" б/ф
03:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Чой устида" кўрсатуви
07:00 "Муслик вақти" дастури
07:30 "Информацион блок"
08:00 "Бунга ҳаёт дейилар"
08:30 "Еширади қудирали"
кўрсатуви
09:00 Болалар вақти
09:30 "Кезайлик қўрайлик"
кўрсатуви
10:00 "Гарри Поттер-7" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Файли тон дастури"
12:10 "Оҳод шоу" кўнгулоқар
кўрсатуви
13:00 "Супер келинач" теле-
шоу
13:40 "Дилшад лаҳзалар"
телешоу
15:00 "Дунё бўйлаб 80 кун" б/ф
16:30 "Парламент соғити" аборот-
таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" телешоу
викториниси
18:00 Болалар вақти
18:00 "Денгиз жанги" б/ф
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Ишиқ олма" кўрсатуви
19:50 "Супер келинач" теле-шоу
20:30 "Дайлор ширин" муслиқ-
дун олин дастури
21:30 "Сомеди. UZ" теле-шоу
22:00 "Онлайн" б/ф премера
00:15 "Муслик вақти" дастури
00:30 Тунги кинозал: "Розовая
пантера" б/ф
03:00 Тунингиз хайри бўлсин!

ФИРИБГАРЛАР "ОЛИМПИАДАСИ"

Лондон олимпиадаси билан боғлиқ веб-сайтларнинг 80 фоизи(!) фирибгарларга тегишли. Zscaler компаниясининг ўрганишлари ана шундай хавотирли натижани юзга чиқарди.

Албатта, хар қанақанги йирик тадбирда, у футбол бўйича Жаҳон ёки Европа чемпионати бўладими, олимпиада ўйинларими — фирибгарларнинг ошиғи олчи. Ўйинларга чипталарнинг қўлга чиқиб кетиши-ку майли, юлчиларга "махоратлари"ни намоёйиш этишда ҳеч бир виста интернетчалик иш бермайди.


Ана шундай зарарли сайтлар хусусиятига кўра уч турга ажратилади ва улар фойдаланувчиларни жалб этишда ўхшаш усуллардан фойдаланади.

Биринчи тоифа. Бу тоифа сайтларга легитим ресурслар номини теришдаги хатоликлар сабаб кириб қолишингиз ҳеч гап эмас. Масалан, аксарият сайтлар nbcolympics.com номи остида паноҳ

топган. Оддийгина ечим: бу доменлар жуда арзон, хостинги эса мутлақо бепул бўлиши мумкин, оммавий қизиқиш ортидан келадиган рекламалар оқими эса анчагина салмоққа эга.

Иккинчи тоифа. Энг оммалашган сўров сўзларини қурол қилиб олган сайтлар ҳам шу вояга асосланган. Бу сайтлар нафақат олимпиа ўйинлари контенти (аксарият холларда ўғирланган) ва қалит сўзлар рўйхати билан, шунингдек, реклама билан тўлиб-тошган.

Учинчи тоифа. Бу тоифа сайтлари компьютер фойдаланувчиларига жуда арзон нархларда "жонли" олимпиада трансляциясини таклиф этмоқда. Беш-ўн долларга таваққал қилиш қимматга тушиши аниқ. Бунинг устига бу сайтларда ўрнатилган учун махсус дастурлар таклиф этиляптики, уларни ишга тушириш хар қандай оқибатларга олиб келиши мумкин.



Браузерлар кураши

NetApplications компанияси шахсий компьютерлар ва мобил қурилмалар учун браузерлар бозорининг навбатдаги ҳисоботини тақдим этди. Унга мувофиқ, июл ойида Firefox ва Safari ўз мавқеини мустаҳкамлаган бўлса, бошқа браузерларнинг улуши, аксинча, пасайиб кетган.

Google Chromening бозор улуши 19,08 фоиздан 18,88 фоизга камайган. Веб-шарҳловчилар орасида Microsoft Internet Explorer ҳамон етакчиликини сақлаб турибди. Аммо у поғонама-поғона тушиб борапти: июлда IE улуши 54,02 фоиздан 53,93 фоизгача пасайди.

Mozilla Firefoxга ишонувчилар кўпайиб бораётганини рақамлар ҳам исботлайди: веб-браузерлар умумий рейтингда иккинчи ўринни банд этган бу браузернинг улуши ҳозирги кунда 20,16 фоизга етди. Тўртинчи ўринда бораётган Safari яна 0,2 фоизга ўсиб 4,93 фоизлик улушга эга бўлди.

Етакчи браузерлар орасида энг "камтари" — Opera (1,6 фоиз).

Мобил браузерлар бозорининг 66,2 фоизини Safari Mobile ўз назорати остида сақлаб турибди. Пешқадамга асосий рақобатчилар Android (19,4 фоиз) ва Opera Mini (9,3 фоиз).

АТ-хабарлар

*Strategy Analytics компанияси прогнозларига кўра, жаҳон иктисодиёти муаммолардан қутула олмаётган бўлса-да, дунё маиший электроника ишлаб чиқарувчиларининг даромадлари жорий йил охирига бориб 5 фоизга ошиб 790 миллиардга етиши мумкин. Юқори ўсишни смартфонлар, планшетлар ва ихчам шахсий компьютерлар ишлаб чиқарувчилар таъминлайди.

Минтақалар орасида Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океани зонаси 5 ва 7 фоизлик ўсиш билан етакчилик қилиши кутиляпти. Евроронадаги инкирозларнинг жиддий таъсири Ғарбий Европадаги савдоларда намоён бўлади.

2012 йилги домен савдоларидаги энг паст кўрсаткичлар июл ойида қайд этилди. Чунончи, июлда энг қимматга сотилган Metal.com (140 минг доллар) йилнинг ТОП-100лигида 16-ўридан жой олди. Шунингдек, июл ойида яна иккита домен зўр-базўр 100 минг доллардан юқори баҳоланди: YG.com (125 минг доллар) ва CricketScore.com (118 минг доллар).

ТОП-15дан, шунингдек, 90 мингдан 40,5 минг долларгача баҳоланган Mizu.com, ElectricCompany.com, ChargePoint.com, JustWink.com, Jolla.com, Addictions.com, Expecting.com, Stratford.com, Circumcision.com, Trash.com, Emar.com, PDC.com сингари доменлар жой олган.

Apple компанияси Mountain Lionни ўз тарихидаги энг муваффақиятли лойиҳа дея эътироф этди. Mountain Lion амалиёт тизими чиқарилганидан бошлаб 4 кун давомида 3 млн. маротаба юқлаб олинган. Бу билан компания ўзининг ўтган йилги X 10.7 Lion амалиёт тизими рекордини ҳам янгилади.

Nokia компаниясини у ёки бу компания сотиб олармиш қабилидаги овозалар кўпайиб борапти. Масалан, яқинда интернетда Хитойнинг Lenovo компанияси фин мобил ишлаб чиқарувчисига харидор бўлаётганлиги хақидаги хабар яшин тезлигида тарқаб кетди. Шундан сўнг Nokia акциялари оз эмас кўп эмас нарх 17 фоизга қимматлашди. Бироқ Lenovo расмийлари бу хабар асосиз эканлигини ўз баёнотларида билдиришган.

General Sentiment тадқиқотлар компанияси ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокамага сабаб бўлган брендларнинг чораклик ҳисоботини тайёрлади. Апрель-июн якунига кўра, ижтимоий тармоқларда бренди 756,6 млн. долларга баҳоланган Google биринчи, 594,3 млн. қийматга тенг деб топилган Apple иккинчи бўлди.

Учинчи ўринда Microsoft (\$356,4 млн.), тўртинчи. Amazon.com (\$331,3 млн.) ва Hewlett-Packard (\$258,2 млн.) бешинчи ўринда келтирилган.

Жанубий корейлик олимлар келажакдаги эгилувчан қурилмалар учун эластик батарея ишлаб чиқишди. Шу тобгача мобил қурилмалар учун шаффоф батарея ва экранлар чиқарилган, аммо эгилувчан қурилмалар оммалашмаётган эди. Бунинг ечимини эса Корея фан ва технологиялар институти (KAIST) профессори Кен Чже Ли бошчилигидаги олимлар топишди. Улар томонидан яратилган юпқа литий-ионли аккумулятор хатто букилган ҳолатида ҳам электр қучланишини сақлаб қолади.



Юртимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият сари жадал интилиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Замон билан ҳамнафас

Ахборот-коммуникация технологиялари негизда ахборотлашган жамият барпо қилиш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигига бу йўналишда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари мазмунидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 23 январдаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги қарорлари худди шу мақсадда қабул қилинган. Жойларда ушбу қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда соҳага эътиборни янада ошириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача телекоммуникация тармоғини ривожлантириш миллий дастури" ишлаб чиқилган эди. Бугунги кунда Дастурда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан мамлакатимиз миқёсида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилганлиги намойён бўлаётир. Биргина Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада эътиборга молик ишлар кўзга ташланади.

Вилоятда оптик толали алоқа линиясига ўтиш ҳам жадал олиб бориляпти. Техник ва технологик жиҳатдан олиб қаралса, мис кабелларга нисбатан оптик толали кабелларнинг афзалликлари ниҳоятда кўп. Оптик толали кабеллар мис кабелларга нисбатан бир неча баробар енгил ҳам. Бунинг бир толасидан жуда кўп телефон каналларини ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси, сигналлар охириги нуқтагача бир зумда ҳеч бир техник носозликларсиз аниқ ва тиниқ етиб боради.

Қарши ва Термиз шаҳри оралиғида давлат аҳамиятига молик магистрал — Халқаро оптик толали алоқа линияси қурилиб ишга туширилди. Ушбу трасса йўналишидаги Гузор, Дехқонобод ва Қорашина масканларида янги рақамли АТСларнинг мазкур алоқа линиясига улаш имконини берди.

Давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб тухфа тайёрлаш, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш мақсадида "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг ҳар бир ходими астойдил ҳаракат қилмоқда. Жорий йилда Дехқонободдаги калийли ўғитлар заводига 975 метр узунликда алоқа ва юқори тезликдаги интернет хизмати-

ни кўрсатиш учун оптик толали алоқа кабеллари тортилди. Вилоятда NGN технологиясини қўллаш бўйича Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Чирокчи туманларида қайта реконструкция ишлари амалга оширилди. Фойдаланиб келинаётган "Алкател" станцияларининг замон талабига жавоб бермаётганлиги эътиборга олинди, Хитой давлати ZTE компаниясининг MSAN русумидаги ускуналарини шу туманларнинг 23та масканига ўрнатиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳа бўйича хоналар ҳозирланиб, қўшимча телефон қудуқлари тайёрланди ва айна пайтда оптик толали алоқа кабеллари ётқизиляпти. MSAN русумидаги ускуналарнинг жаҳон талабларига мос келиши, ускунанинг ўзида DSLAM, ADSL портлари қурилмаси мавжудлиги, ихчамлиги билан ажралиб туради.

Аҳолига сифатли алоқа ва интернет хизматини кўрсатиш мақсадида Яккабоғ туман маркази ва Эски Яккабоғ шаҳарчаси ўртасида антенна мачтаси қад ростлаб, РРЛ ускунаси ўрнатилди. Вилоятда жами 2966та абонент ADSL (тезкор интернет) га уланган бўлиб, шундан 2232таси жисмоний шахслар, 734таси корхоналардир. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, жорий йилнинг биргина олти ойи давомида тезкор интернетдан фойдаланиш учун 785 нафар абонент қўшилган. Вилоят бўйича 32068та телефон нуқталари ишлаб турибди, аҳоли қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш мумкин. Мустақиллик байрами арафасида вилоятнинг тўртта туман марказида "Ягона ойна" тамойили асосида янги савдо нуқталари ўз фаолиятини бошлади. Йил охирига қадар яна тўртта туманда шундай янги савдо нуқталари хизматидан фойдаланиш йўлга

қўйилади. Айна пайтда FTTX технологияси асосида Китоб, Шахрисабз, Муборак туманларида қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти.

Қишлоқлардаги АТСлар фаолиятини яхшилаш ҳамда қишлоқ жойларида яшайётган аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва ҳажминини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кичик сиримли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Қишлоқ жойларига сирими 112, 160, 208, 320 рақамдан иборат "ЭЛСГМ" рақамли коммутация қурилмалари кириб борди.

Қарши ва Термиз шаҳри оралиғида давлат аҳамиятига молик магистрал — Халқаро оптик толали алоқа линияси қурилиб ишга туширилди. Ушбу трасса йўналишидаги Гузор, Дехқонобод ва Қорашина масканларида янги рақамли АТСларнинг мазкур алоқа линиясига улаш имконини берди.

Булар янги давр талаби кўринишидаги ишларнинг намунасидир. Бир қанча туман телекоммуникациялар боғламаларидаги эски дизел генераторлари қуввати 14 кВтли "ГЕКО 150001" русумидаги дизел генераторларига алмаштирилди. "ЎзМобайл" филиали Қашқадарё бўлими томонидан туман марказлари ва қишлоқ аҳоли масканлари худудида жойлашган маънан эскирган аналог АТСлар орқали фойдаланаётган абонентларга қулайлик яратиш ва уларнинг талабини қондириш мақсадида CDMA-450 симсиз алоқа тармоғи орқали ишлайдиган 1941та стационар телефон аппаратлари ўрнатилди.

ЭАТСларда кенг полосали хизматлардан фойдаланувчи ADSL модемларига уланган абонентлар сонини ошириш бўйича режа ишлаб чиқилган бўлиб, барча телекоммуникациялар боғламаларида ўрнатилган DSLAM ускуналарининг монтаж сирими 4544 портга етказилди.

Таҳлилларга эътибор қаратсак, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида рақамли АТСлар сони 68та бўлган бўлса, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида 70тани ташкил этди. Бу рақамли АТСларнинг монтаж сирими 2011 йилнинг биринчи ярмида 56850 рақамни ташкил этса, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 57266 рақамга етди, дегандир. Туманлар марказларидаги ҳамда қишлоқ худудларидаги рақамлаштириш даражаси юз фоизни ташкил этади.

"Ягона ойна" тамойили асосидаги янги савдо нуқталари марказларини барча туманларда ташкил этишдек вазифалар ижросини бажаришдаги ишлар кўлами кенгайган. Бу билан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда интерфаол шаклдаги давлат хизматларини кўрсатувчи марказ аҳолига бир неча масалаларни бир жойнинг ўзида осонгина ҳал қилишга хизмат қилади. Тадбиркорлар ўзлари учун ҳуқуқий маслаҳат, пенсионерлар даромадлари ҳақида маълумотлар олишса, иш изловчилар бўш иш ўринлари, таклиф этилаётган ишлар билан танишадилар. Хуллас, марказ аҳолига барча соҳалар бўйича яқиндан ёрдам бериши билан аҳамиятлидир. Беҳуда овозгарчиликларнинг олди олиниб, аҳолига зарур тез ижтимоий-идоравий ёрдам кўрсатилади.

Бугун қашқадарёлик алоқачилар республикаимиз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида самарали меҳнат қилмоқдалар.

"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида меҳнат қилаётган алоқачиларнинг келгусидаги режалари янада улкан.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Байрамолди тadbирлари

Республикамининг бошқа вилоятларида бўлгани каби истиқлол шарофати билан Наманганнинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди. У кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Айни кунларда мустақиллигимизнинг 21 йиллигини муносиб кутиб олишга катта тараддуд кўрилмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси, вилоят Маънавий-маърифий тарғибот маркази, ЎзХДП вилоят кенгаши, вилоят "Махалла" жамоат фонди, Нодира номидаги ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусидаги байрамолди ижтимоий-сиёсий, маданий-марифий тadbирлар доирасида жойларда ижодкорлар, олимлар, зиёлилар билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Шундай тadbирлардан бири Косонсой туманининг "Баҳористон" МФЙ худудидаги 29-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Уни вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзура Азизова очар экан, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари хусусида шундай деди:

— Вилоятимизда кенг қўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида замонавий шаҳарсозлик талаблари ҳисобга олиниб, янги тураржой дахалари, кенгайтирилган кўчалардан тор-

тиб, энг мухташам ва замонавий sanoat иншоотларигача барпо этилмоқда.

Ўтган йиллар давомида "Наманган аэропорти", "Йўл ўтказгич", "Яшил бозор", "Қамолот боғи", "Болалар боғи", "Хотира хиёбони", "Барқамол спорт мажмуаси", "Ёшлар маркази", Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма театри, Бобур номидаги маданият ва истирохат боғи, "Истиқлол" кўчасидаги кўп қаватли уйлар, Наманган шаҳрининг энг чекка худудларида бунёд этилган бешта умумтаълим мактаби, замонавий услубда таъмирланган 19та мактабгача таълим муассасаси, иккита мусика ва санъат мактаби, бир нечта спорт иншоотлари ва бошқа бир қатор объектлар фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, аёллар сало-матлигини муҳофаза

қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларни ижтимоий химоя қилиш борасида қилинаётган ишлар Мустаҳкам оила йилида юқори савияга кўтарилди.

Тadbирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси вилоят бўлими раҳбари, шоир Жамолiddин Муслим, ижодкорлар Руқия Ҳозиева, Ойдина Мумтоз, Анвар Нишоновлар она Ватанини улуғловчи, истиқлолни шарафловчи янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлими санъаткорлари ижро этган куй-қўшиқлар тadbирга файз киритди.

Худди шундай учрашувлардан бири Янгиқўрғон туманидаги алоқа ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида бўлиб ўтди. Ушбу тadbирни туман "Махалла" жамоатчилик фонди

раиси Муқаддам Муродова очиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ёшларга берилган имкониятлар ҳақида сўзлади.

НамДУ доценти Носиржон Юсупов истиқлол йилларидаги туб ислохотлар, халқимиз тафаккуридаги ўзгаришлар, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни, ёшларга яратиб берилаётган имконият тўғрисида маъруза қилди.

Шунингдек, вилоятимизнинг таниқли ижодкорлари Жамолiddин Муслим, Носиржон Юсупов, Руқия Ҳозиева, Ойдина Мумтоз ва Анвар Нишоновлар сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз, хусусан, ижод аҳлига яратилган имкониятлар ҳақида сўзлаб, ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Тadbир сўнггида ижодкорлар иштирокчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Уйчи тумани Қизилравот кишловида жойлашган 45-умумтаълим мактаби ва Янгиқўрғон тумани Мамай кишловида ўтказилган маданий тadbирлар ҳам йиланларда катта таасурот қолдирди.

Жамолхон БОҚИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси
Наманган вилояти бўлими раҳбари

Ватан тақдири — менинг тақдирим

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тadbирни филиал директори А.Хайдаров кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда филиал етакчи мухандиси Р.Турғунов маъруза қилди. Маърузада юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва кишлоқларимиз янада ободонлашиб, чирой очаетгани, халқимизнинг турмуши кундан-кунга фаровонлашиб бораётгани мисоллар орқали шарҳланди. Албатта, мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгани, юртимизда тинчлик ҳукм сураётгани бугунги бахтли-фаровон кунларимиз бош омилдир. Саховатли заминимизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз, ёнаторфимиздаги, яқин ва узоқ хориздаги таҳликали воқеаларга бефарқ бўлмаслигимиз, доим ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз даркорлиги сўзга чиққанлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

Юрт мадҳи

Мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган Фарғона шахрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт коммунал инфратузилмаси объекларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тadbирлари оид қарори асосида вилоятда кенг қўламли қурилиш ишлари авж олдирилмоқда.

Вилоят алоқа корхоналари жамоалари ҳам ана шу бунёдкорлик ишларида дахлдорлик тўғриси билан яшамоқдалар. Ўзларининг меҳнат жабҳаларидаги фаолиятларини давр талаблари асосида ташкил этиб, сифатли алоқа хизматларини кўрсатмоқдалар.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали мажлислар залида бўлиб ўтган "Так-

диримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусидаги маънавий-маърифий тadbирда ана шу дахлдорлик руҳи баралла сезилиб турди. Тadbирда "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиаллари ҳамда вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси ишчи-ҳодимлари ва мутахассислари иштирок этдилар.

Тadbирда Юртбошимизнинг "Юк-

сак маънавият — енгилмас куч" ва "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарлари ҳақида сўз борди. Одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бўлиб келган бойлик маънавият, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг энг гўзал ва мукамал талқини, маънавиятни юксалтириш бўйича йўл-йўриқлар ва йўналишлар хусусида, мамлакатимизнинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва кейинги ойларда Президентимиз олиб борган сиёсий-ижтимоий фаолияти маърузалари, мақола ва интервюларида акс этгани, Ватанимизни истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли курашнинг тарихий саҳифалари ҳақида ТАТУ Фарғона филиали доценти, фалсафа фанлари номзоди Набижон Солиев гапириб берди.

Маънавий-маърифий тadbирда вилоят ёзувчилар уюмси адабий маслаҳатчиси, "Соғинч мамлакат" ва "Юрагимга яқинсан" асарлари муаллифи, шоира Ойдинхон Темирова ватанпарварлик, муҳаббат ва садоқат тўғрисидаги улуғловчи шеърларидан баҳраманд этди.

Тadbирда сўзга чиққан "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали тижорат директори Азиза Абдуллажоновна халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқийс ўрин тутган энг улуғ ва энг азиз байрамимизни муносиб кутиб олиш юзасидан алоқа корхоналарида олиб борилаётган ишларга қисқача тўхтади ва тadbирга келганларни яқинлашиб келаятган қўшалок байрамлар — мустақиллигимизнинг 21 йиллиги ҳамда Рамазон ҳайити билан самимий табриклади.

Ҳ.АСКАРОВА



Белги бўлса, одам йўлда адашмайди, ақлли бўлса, киши сўзда адашмайди.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

"Абитуриент-2012" хизмати!

"Абитуриент-2012" хизмати Ucell абонентларига Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрталарига кириш имтихонларида абитуриент тўплаган баллар сонини СМС-хабар орқали билиш имкониятини тақдим этади.

Керакли маълумотни олиш учун кириш имтихонларида абитуриент билиб олган жавоблар варағи рақами билан СМС-хабарни 5151 хизмат рақамига юбориш керак.

Жавобан абитуриент куйидагилар кўрсатилган хабарни олади:

- Жавоблар варағи рақами, унга асосан кириш имтихони натижалари;

- Олий ўқув юрти (олий ўқув юрти номи рақамлар билан кодланган — олий ўқув юрти коди абитуриентга олдиндан маълум);

- Тўплаган баллар киймати;

- Натижани коддан чиқариш (грант асосида қабул қилинди; шартнома асосида қабул қилинди; қабул учун етарли балларни тўпламади).

*Изоҳ: ушбу хизмат қабул натижалари-



ни фақат ДТМ кириш имтихонлари натижаларини эълон қилгандан сўнггина билиш мумкин.

5151 рақамига жўнатилган 1 СМС бахоси — \$0.75 ҚҚСни ўз ичига олган ҳолда.

5151 рақамидан қирувчи 1 СМС бахоси — \$0.

Хизмат "Zava Mobile" МЧЖ контент провайдерни билан ҳамкорликда тақдим этилади.

"Пулар қайтарилади!"

"Билайн" ягона алоқа оператори "Пулар қайтарилади!" акцияси 31 август куни тугаши ҳақида хабар беради.

Эслатиб ўтамиз, "USB-модем Билайн" хизматига улланган ҳолда, абонент 6 ой мобайнида тўлиқ харид бахосини қайтариб олади.

"Компаниямиз бозорга 3G-модемларни чиқариш бўйича анъанавий етакчи ҳисобланади: "Билайн" левайсларининг илк тўпламлари Ўзбекистонда 2008 йилда пайдо бўлган, — дейди "Юнител"нинг марке-

тинг бўйича хизмати раҳбари Марина Овсянникова. — 2012 йил июн ойининг охирида тармоғимизда 200 мингга яқин модемлар ишлаган ва мен ишончманки, "Пулар қайтарилади!" акцияси янги абонентлар учун қўшимча рабат бўлиб хизмат қилади. Бунда фойдаланувчиларни модемга уланишда ҳеч ҳам чекламаймиз: улар ўз ис-такларига қараб ё тариф

ёки интернет-пакетни танлаш мумкин".

"USB-модем Билайн" хизматига уланишда абонент сотиб олган кундан бошлаб, 6 ой мобайнида ҳар ойда балансига \$5,26 дан олади. Тақдим қилинган маблағларнинг амал қилиш муддати — календар ойининг охирига қадар. Тақдим этилган маблағлар тўловли трафикка ярим йил давомида хизмат нархи ҳажмида чегирма ҳисобланади. Тақдим этилган маблағларни *106# USSD-буйруғи орқали текшириш мумкин.



Билайн

Интернет-канал

сигими 1 Гбит/с. гача оширилди

"Охириги ҳафтадаги юкланишлар тармоғимиз учун жиддий синов бўлди ва умуман олганда, биз ундан муносиви равишда ўтдик, — дейди "Юнител"нинг техник директори Денис Котляренко. — Шубҳасиз, бу компаниядан қўшимча ҳаракатларни, шу жумладан, ташқи канални кенгайтиришни ҳам талаб қилди. "Билайн" Ўзбекистонда 1 Гбит/с. чегарасидан ўтган илк оператор бўлди. Бу интернет-хизматлар сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда".

Эслатиб ўтамиз, июл ойи охирида "Билайн" халқаро интернет-канал сигимини 850 Мбит/с.гача етказган.

Лондон Олимпиадасида

67 минг дона қўл телефонлари йўқолган

Қўл телефонлари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган, шундай эмасми? Шу боис ҳам телефон ўғирлаш бошқа ўғирликлардан ҳам ўзиб кетмоқда.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, нуфузли турнирларда бу рақам янада жиддийлик касб этмоқда. "VenaFi" ширкати ёзги Олимпиада ўйинлари бошланганидан буён Лондонда ўғирланган ва йўқотилган телефонларнинг сонини аниқлади — нақд 67 000 дона! Уларнинг умумий хотираси 214,4 терабайтни ташкил этади. 1 мегабайт битта китобга тенг. Демак, бу 214,4 миллион китоб ўғирланганлиги билан баробардир.



Эълон!

ДИҚҚАТ!!!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Халқаро почта" филиали олий маълумотли, бош бухгалтер лавозимида камда 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган, шунингдек, 1С дастурида мукамал ишлай оладиганларни бош бухгалтер лавозимига ишга таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-79-84, 233-95-33.

АРМ ва ёшлар

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шаҳар ва қишлоқлардаги ҳамда таълим муассасаларидаги кутубхоналар негизда очилган ахборот-ресурс марказлари энг илғор ахборот технологиялари билан жиҳозланиб, замон талаблари асосида хизмат кўрсатилмоқда.

Мавжуд китоб фонди янада бойитилиб, электрон адабиётлар ресурси шакллантирилатган, интернет тармоғига улланган марказлар хизматидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ташкилот иқтисодиёт коллежининг туман марказида жойлашган ахборот-ресурс маркази ҳам ўқувчилари сонини ортиб бораётган ана шундай маърифат масканларидан ҳисобланади.

Марказ ўтган йили қарийб 8 минг ўқувчига хизмат кўрсатди. Жорий йилда кутубхона хизматидан фойдаланувчилар сонини ошириш, аҳолини, айниқса, ёшларни китобхонликка жалб қилиш мақсадида изчил ишлар олиб борилмоқда. Турли маънавий-маърифий тадбирларнинг доимий ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини бераётган.

Марказ ўқув залида сўнги русумдаги компьютерларнинг ўрнатилгани ва электрон адабиётлар билан таъминлангани ёш китобхонларга қулайлик яратди. Шу боис, бу ерда фойдаланувчилар сафи тобора ортиб бормоқда.

Бебаҳо хазина

Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди томонидан "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этилган ёш ижодкорларнинг 13 номдаги китоблари тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят, шаҳар ва туман АРМлари мазкур номдаги китоблар софга сифатида тақдим этилди. Ёш ижодкорлар С.Мусатдинованинг "Қарвон йўллари", О.Толибининг "Учрашув" номли шеърый асарлари, айниқса, китобхонларнинг эътиборига сазовор бўлмоқда.

К.Шерматовнинг "Қишлоқжоним", М.Тошимуродованинг "Болаликнинг бир куни", А.Қудратованинг "Олтин тарик" номли китоблари болажонлар қалбидан ўрин олмоқда.

Ҳа, китоблар илм дунёсининг нурлари. Ана шу нурлардан баҳраманд инсонлар чин маънода маърифат боғининг боғбони, келажакнинг пойдевори, жамиятнинг маънавий устундир. Замондош, китобга қўл узатинг, унга меҳр қўйинг. Чунки илм қуёшининг заррин нури, хазинанинг хазинаси китобдир.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ

Амалий машғулот

Яқинда уч йилдан бери вилоятда "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" номинациясини қўлдан бермай келаётган Жалақудуқ агросаноат касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказида "Ахборот-ресурс марказларида ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон дарсликлардан фойдаланиш" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирни вилоят ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси мутахассиси А.Тўйчиев очиб берди. Семинарда сўз олган коллеж директори М.Юсупова, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Х.Ғафоров, коллеж ахборот-ресурс маркази раҳбари Ф.Топтемирова, Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази илмий-услубий бўлими муdiri З.Шахобитдиновалар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда коллеж ва ахборот-ресурс маркази ҳамкорликда олиб бораётган ишлар, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда ахборот технологиялари ва электрон дарсликлардан фойдаланиш, соҳага оид Президент қарорлари ижроси юзасидан қисқача тўхталиб ўтдилар.

Тадбир давомида ахборот-ресурс маркази ЭХМ оператори М.Якубова томонидан электрон кўргазма ва уни яратиш бўйича амалий машғулот ҳам ташкил этилди. Унда иштирокчилар икки гуруҳга бўлиниб, "2012 йил — Мустақкам оила йили", "Мустақиллигинг мустақкам бўлсин, хур Ўзбекистон" мавзуларида электрон кўргазма яратдилар.

Семинар сўнгида иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

О.МАМАЖОНОВА,
Бобур номидаги Андижон
вилояти АКМ бўлими муdiri



Олимпиада-2012

Газетамизнинг ўтган сонида Лондон шаҳрида бўлиб ўтаётган XXX ёзги Олимпия ўйинларидаги спортчиларимизнинг иштироки ҳақида батафсил маълумот бериб ўтгандик. Анъанани давом эттирган ҳолда ўтган ҳафта давомидаги натижаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Еттинчи кун

Олимпиаданинг еттинчи кунинда бир йўла етти нафар спортчимиз баҳсларда иштирок этди. 85 кг. вазн тоифасида оғир атлетика баҳсларида иштирок этган Шерзоджон Юсупов жами 350 кг. натижа билан 11-ўринни эгаллади.

Енгил атлетиканинг турли йўналишларида қатнашган ҳамюртларимиз — Анастасия Журавлёва, Александра Котлярова, Гўзал Хуббиева, Артём Дятлов, Суҳроб Хўжаевлар Олимпиада медалларига даъвогарлик қила олишмади.

Еттинчи кунги баҳсларнинг сўнгги иштирокчиси Жасурбек Латипов 52 кг. вазн тоифасида мисрлик Хешам Абдуллоҳни 21-11 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўл олди.

Саккизинчи кун

Тўрт нафар спортчимиз баҳсларга киришган ушбу кун ҳам фақатгина боксчиларимиз валабаси билан яқун топди.

Аввалига Сакина Мамедова ўқ отиш мусобақасида саралашдан ўта олмаган бўлса, сўнг Пекин Олимпиадаси бронза медал соҳибаси трамплинчи Екатерина Хилко кутилмаганда финал босқичига ўта олди ва баҳсларга эрта яқун ясади.

Боксчиларимиздан Ўқтамжон Раҳмонов 64 кг. вазн тоифасида туркиялик Сенер Якушни 16-8 ҳисобида, байроқдоримиз Элшод Расулов эса тунислик Яхё Элмекачарини осонлик билан 13-6 ҳисобида мағлуб этиб, чорак финал йўлланмасига эга бўлишди.


Тўққизинчи кун

Спортчиларимиз учун мусобақаларга бой бўлмади. Фақатгина икки нафар вакилимиз ўз кучларини синаб кўрди. Наталя Асанова енгил атлетиканинг тўсиклар оша 400 метрга югуриш баҳсида саралашдан оқ ўз юришини тўхтатган бўлса, юнон-рум кураши бўйича 55 кг. вазнда иштирок этган Элмурод Тасмуродов чорак финал оstonасида тўхтади.

Ўнинчи кун

Мусобақаларга бой ўтган ўнинчи кунда кучли спортчиларимиз баҳсларга киришди. Жумладан, жаҳон чемпиони Вадим Менков каноэда эшак эшиш бўйича 1000 метрлик мусобақаларда саралаш ҳамда ярим финал баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, финал босқичига йўл олди.


105 кг. вазн тоифасида иштирок этган икки нафар оғир атлетикачимиз медалларга жуда яқин келишди. Афсуски, улардан омад бир оз юз ўтирди. Яқунда Руслан Нуридинов тўртинчи ўрин билан кифояланган бўлса, яна бир вакилимиз



Иван Ефремов бешинчи ўринни эгаллади.

Ядро улоқтиришда қатнашган Елена Смолянова ҳамда энг оғир вазн тоифасида юнон-рум курашчимиз Мўминжон Абдуллаев медалларга даъвогарлик қила олишмади.

Чорак финалдаги жанглари бошлаган боксчиларимиздан Фазлиддин Ғоибназаров афсуски медалларга бир қадам қолганда мусобақани тарк этди. У жанубий кореялик рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Таҷрибали боксчимиз, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев эса ҳиндистонлик рақибини мағлубиятга учратди ва Олимпиада медалини нақд қилиб қўйди. Аббос ярим финал жангини 10 август кунини япониялик боксчига қарши ўтказди.



Ўн биринчи кун

Найза улоқтиришда Анастасия Свечникова, узокликка сакрашда Юлия Тарасова, байдаркада 500 метрга эшак эшиш бўйича Юлия Борзова мусобақаларда саралашдан ўта олишмади.

Бокс мусобақаларининг чорак финалига етиб келган Жасурбек Латипов баҳслардан чиқиб кетди.

Ўн иккинчи кун

Каноэда эшак эшиш бўйича 1000 метрлик баҳсларда Вадим Менков финал босқичида қатнашди. Мухлислар ундан медал кутгани аниқ. Аммо номдор спортчимиз маррага тўртинчи бўлиб етиб келди. Энди Вадим 10 август кунини 200 метрга эшак эшиш бўйича мусобақаларда қатнашди.

Найза улоқтиришда Иван Зайцев негадир ўзининг шахсий рекорди (83 метрдан ошди)га яқин ҳам келолмади ва 73,94 метр натижа билан саралаш босқичида қолиб кетди.

Ўнкураш баҳсларида Рифат Артиков ўз кучини синаб кўрди.

Бокс баҳсларида яна икки ишонган боксчимиз — Ўқтамжон Раҳмонов ва Элшод Расулов чорак финалда имкониятни бой беришди. Ўқтамжон кубалик рақибига мағлуб бўлган бўлса, Элшод россиялик рақибини енга олди.

Яна тўрт кун қолди

Олимпиада баҳслари яқун топишига яна сонқли кунлар қолди. Буёғига спортнинг эркин кураш, таэквондо, бадий гимнастика, баландликка сакраш, эшак эшиш турларида вакилларимиз иштирокни кузатамиз. Спортчиларимиздан медаллар кутиб қоламиз.

Хитой ҳамон пешқадам

Олимпиадада олтин медалларни қўлга киритиш борасида Хитой ва АҚШ спортчиларининг рақобати ҳамон давом этапти.

Чоршанба кунги баҳслар якунидан сўнг медаллар сони бўйича пешқадамлар қуйидагича кўриниш олган:

Ўрин	Жамоа	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
1.	Хитой	36	22	19	77
2.	АҚШ	34	22	25	81
3.	Буюк Британия	22	13	13	48
4.	Жанубий Корея	12	7	6	25
5.	Россия	11	19	22	52
6.	Франция	8	9	11	28
7.	Германия	7	15	10	32
8.	Италия	7	6	4	17
9.	Венгрия	6	2	3	11
10.	Козовистон	6	0	2	8

"Xabar" газетасида
реклама ва эълонлар қабул қилинади

Тел.: 288-40-72, 288-40-69

E-mail: info@xabar.uz

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали жамоаси филиал директорининг биринчи ўринбосари Ражаббой Абдиримовга отаси **Ҳикматилло АБДИРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали жамоаси Бешарик телекоммуникациялар борламаси ходими Мўминжон Ниёзова турмуш ўртоғи **Ҳодисахон СУЛТОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси Ахборот технологиялари факултети декани ўринбосари Аваз Мирзаевнинг отаси **Эгамберди отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

MUZEY ZALLARI BO'YLAB



Сигналлар орқали алоқа узатишни ташкил этиш макети

Алоқа тарихи музейи асосий кўرғазма залининг почта бўлими экспозициясидан ўрин олган ушбу макетда шаҳар кўрғонларига, кўрғон атрофларига жойлаштирилган махсус ахборот узатиш тепаликлар хамда ушбу тепаликлардан узатилиши зарур бўлган маълумотлар олов, тутун ёки сигналлар орқали берилган ва шаҳар кўрғонларини четдан келаётган хавф-хатарлардан огоҳлантириб турилганлиги кўрсатилган.

Бобокалонимиз Амир Темур даврида ҳам одам кўзи кўрадиган масофада кўрғон атрофларига тепаликлар кўтарилиб, шу тепаликлардан олов ва тутун ёрдамида хабар узатилган. Худди шундай тепаликлар Мовароуннахрнинг ҳар бир шаҳар маркази атрофида бўлган. Шаҳар кўрғони дарвозалари тепасида махсус ноғоралар сақланадиган хоналар ва олов ёкиш учун мўлжалланган махсус жойлари бўлган.

Ҳозирги кунгача Қарши шаҳри атрофида ана шундай маълумот узатиш тепаликлар сақланиб қолган.

Латифа
Балиқчининг кўрқуби

Балиқчи балиқ тутмоқчи бўлибди. У кечкурун музлаб ётган қўлга бориб, қўлидаги болтаси билан музни ёра бошлабди. Шунда жаранглаган овоз эшитилди:

— Муз ёришни тўхтат, бу ерда балиқ йўқ.

Балиқчи сесканиб кетибди. Атрофга алаңлаб товуш эгасини қидира бошлабди, лекин ҳеч ким йўқ эмиш. У яна муз ёришни давом эттирибди.

— Нима бало, қулоғинг том битганми? Бу ерда балиқ йўқ дедим-ку сенга! — номаълум овоз энди қаттиқроқ таралибди.


Кўрққанидан балиқчининг оёқларига титроқ кирибди. — Кимсиз ўзи? Кўрқитманг, совуқ кунда ҳўл шим билан юришининг ўзи бўлмайдими, ахир. Кимлигингизни айтинг, мабодо ажина эмасмисиз?

Балиқчининг саволига дарҳол жавоб келибди:

— Кўрқма ўғлим, мен мана шу хоккей стадионининг қоровулиман.



"ҚОҲИРА" КРОССВОРДИ



1. Ёввойи "қорамол".
2. Бўйи паст.
3. Япон автоси.
4. Миср пойтахти.
5. Дароз.
6. Қадимги давлат.
7. Сароб, ўткинчи.
8. Сунбий мато.
9. Пайғамбаримиз сафдошлари - ...лар.
10. Бар, кафедаги "соқий".
11. Тобе феодал (ўрта асрлар).
12. Миср фиръавни.
13. Канада пойтахти.
14. Шошилич.
15. Троялик баҳоидор.
16. Болгариядаги тоғлар.
17. Пушкин қаҳрамони.
18. Сузувчи кўприк.
19. Аккордеон, баян, ...
20. Эркаклар исми.
21. Боксдаги ҳолат.
22. Номии ёвузлик рамзига айланган шох.
23. Ўзбек ёзувчи ва таржимони.
24. Бобурнинг иккинчи ўғли.
25. Шимолий ерлар.
26. Қадимги давлат.

Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

Табрик.вай.уз!

"Ўзи-Қарши" филиали жамоаси 226-ЭАТС кабел пайвандчиси Ҳомид ХУВАЙТОВни муборак 50 ёшга, HOST S-12, SI-2000 станцияси муҳандиси Бобомурод ХУРРАМОВни кутлуг 55 ёшга қарши олиши билан самимий муборакбод этиб, уларнинг оилаларига хотиржамлик, ўзларига соғлиқ, узоқ умр тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Данғара почта алоқаси тармоғи ходими Туреунбой МАМАТҚУЛОВни 55 ёши, Марғилон ва Кува почта алоқаси тармоқлари ходимлари Алишер МАЪМИРОВ ҳамда Аҳлидин ДОЛИЕВларни 50 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Уларга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Гулнорахон МУНАВВАРОВани 50 ёши билан табриқлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари қамолини кўришликни тилайди.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лutfилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашини мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ. Набатчи: Лutfилло ТУРСУНОВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>		<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Мавзвл: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-852 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алада: 14694 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-91-56</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>